

ХОРАЗМДАГИ СОВЕТЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИГА ҚАРШИ ХАЛҚ ҒАЛАЁНЛАРИ

Насиба Жиямуратова

Ўзбекистон Миллий университети магистранти.

Аннотация: Мақолада Советларнинг Хоразмда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қатағон сиёсатиға қарши халқ оммасининг норозилик ғалаёнлари бўлиб ўтгани архив маълумотлари ва илмий адабиётлар асосида ёритиб берилди.

Калит сўзлар: Советлар, Хоразм, коллективлаштириш, қулоқлаштириш, колхоз, қишлоқ совети, бой, ўртаҳол, халқ ғалаёнлари, совуқ қуроллар, милиция.

Аннотация: В статье на основе архивных данных и научной литературы описываются волнения народного протеста против репрессивной политики Советов в области сельского хозяйства в Хорезме.

Ключевые слова: Советы, Хорезм, коллективизация, кулачество, колхоз, сельсовет, богатые, мещане, народные восстания, холодное оружие, милиция.

Annotation: The article describes the riots of popular protest against the repressive policy of the Soviets in the field of agriculture in Khorezm based on archival data and scientific literature.

Key words: Soviets, Khorezm, collectivization, kulakization, kolkhoz, village soviet, rich, middle class, popular uprisings, cold weapons, militia.

Ўзбекистон ССРдаги қишлоқ хўжалиги соҳасида советлар томонидан амалга оширилган қатағон сиёсатининг энг фожиалиси бу коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати бўлган эди. Маълумки, Совет давлати томонидан қишлоқда давлат монополиясини ўрнатиш, социализм мафкурасига кўра хусусий ер, мулкни йўқ қилиш сиёсати олиб борилиши туфайли 1929-35 йилларда колхозлар ташкил этила бошланади. Табиийки, ўзининг асрлар давомида аждодларидан мерос қолган, ёки ўзининг удабуронлиги сабаб қўлга киритган ери, мулкни колхозга топширишни истамаган бой, ўртаҳол табақа кишилар советларнинг бу сиёсатиға қарши норозилик билдириб чиқдилар.

Натижада Ўзбекистон ССРнин турли ҳудудлари, жумладан Хоразм округи бўйича бундай ғалаёнлар 1930 йилнинг феврал, март ойларида бир неча бор содир этилган. Хусусан, “феврал ойида 3 та ана шундай ғалаёнда 550 киши, март ойидаги 5 та чиқишларда 2900 киши катнашган”.(1) Содир бўлган ғалаёнларида айниқса аёллар фаоллик кўрсатишиб, ҳаттоки совуқ қуроллар билан шайланиб, колхоз идораларини вайрон этишганлиги ҳақидаги ҳужжатлар сақланиб қолинган. Унга кўра, “1930 йил феврал ойи бошларида Хонқа районининг “Сарапоён” қишлоғида болта, таёқлар билан қуролланган 300 кишилик оломон колхоз тузишга қаратилган йиғинни тарқатиб юборади. Колхоз қурилиши бўйича тушунтириш ишлари олиб борувчи вакилларни



ўлдириш керак, қишлоқ совети раисини ўлдириш керак, деган овозлар пайдо бўлади. Худди шундай болта, таёқлар билан қуролланган аёлларнинг ғалаёнлари 1930йил 31 январ куни Янги Урганч туманидаги Чандирқиёт қишлоғида бўлиб ўтади. Оломон колхоз қурилиши бўйича йиғин ўтказилаётган бино ичига ёпирилиб киради. Улар тарғибот ўтказётган вакилни, колхозга жалб этиш бўйича тушунтириш ишлари олиб боровчани, қишлоқ совети раисини ўлдирмоқчи бўлишади. Натижада йиғилиш бекор қилинади. Вакиллардан бири калтакланади, бири мажлис ўтказилаётган қўшни хонага яшириниб олади, милиция келганга қадар у шу жойда жон сақлаб туради»(2).

Янги Урганч тумани Али Дўрмон қишлоғида эса обрўли эшонлар уруғидан Раҳим Яхшимуродов эса аёллар орасида колхозга қарши фаол тарғибот олиб бориб, исёнкор аёллар мажлисида қатнашгани аниқланган. Бунинг натижасида колхоз қуришга бағишланган ташкилий йиғилишга 150 киши ўрнига 50 киши борган. Профессор Р.Шамсутдиновнинг “Қишлоқ фожиаси” монографиясида келтирилишича, “Янги Урганч тумани марказига яқин қишлоқлардан бирида, колхоз қурилиши масаласига бағишланган йиғилишда, ҳақсиз қилинган камбағал сўзлаб, йиғилиш ўтказётган вакилдан бундан сўнг қишлоқда совет ҳукумати кооперативлар, колхозлар ташкил қилмасликни, мактабни, агроучасткани йўқ қилиш, улар ўрнига эски усулдаги мактабни очиш ҳақида муҳрланган тилхат беришни талаб қилган. Йиғилиш бўлаётган пайтда тош, калтаклар билан қуролланган аёллар оломони йиғилиш бўлаётган бинони ўраб оладилар. Йиғилиш тарқаб кетади. Оломон эса юқоридаги талабни қўяверади” (3).

Аҳоли ўртасида, айниқса аёлларнинг советларнинг мажбурий равишда зўрлик билан ўтказётган сиёсатига қарши ғалаёнлари авж олган пайтда, рўй бериб турган воқеаларни қузатган ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси В.А.Каруцкий Москвага, ОГПУга махфий хат йўллаб, ғалаён ташаббускорларини қамоққа олишни таклиф этган. Хат сўнггида В.А.Каруцкий шундай хулоса қилади: “Хоразмда ўз йўлимизни ўтказиш ишларини кучайтириш, оммавий ғалаёнлар ташаббускорларини излаб аниқлаш учун ходим юбормоқдаман. Ўрта Осиё бюроси олдида инструкторлар юбориш зарурлиги масаласи кўйилди, коллективлаштириш суратини амалда округни советлаштириш билан бирга қўшиб олиб бориш зарурдир” (4).

В.А.Каруцкийнинг юқоридаги хати, айниқса унда билдирилган ғалаён ташаббускорларини қамоққа олиш тўғрисидаги таклифи инobatга олинади. Шундан сўнг, 1930 йил Янги Урганч туманидаги Чандирқиёт қишлоғида бўлган ғалаён ташаббускорлари сифатида 4 нафар бой қамоққа олинади.

Ўша таҳликали йилларда бундай ғалаёнлар ташаббускорлари ва иштирокчиларини қамаш орқали совет ҳукумати норозилик исёнини бостиришга интилди. Ана шу борада коллективлаштириш ва қулоқлаштиришга қарши чиқиш ташаббускорлари дея, “1930 йил март ойининг сўнгги 5 кунлигида, Хоразм округидан 25 киши қамоққа олинган бўлиб, улар орасида бойлар 8, муллалар 8, ўртаҳошлар 4, савдогарлар 1 киши бўлган» (5).



Коллективлаштириш ва мажбурий ўтказилаётган бундай сиёсатга қарши чиқишлар бўлиб турган бир пайтда, Ўзбекистон комсомол кўмитасининг биринчи котиби Исроил Ортиқов йўл қўйилаётган жуда кўплаб камчиликларни фош этганди. У 1932 йил 23 август кунги Хоразм округ комсомолларининг 1 конференциясида нутқ сўзлаб, коллективлаштириш масаласида шундай деганди: « Биз Хоразм воҳаси бўйича байналминал тарбия масаласида қатор камчиликларга эгамиз. Воҳада ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, қozoқлар, немислар, чиғатой, эроний, тожик, татар, рус ва бошқа миллатлар яшайдилар. Коллективлаштириш пайтида колхозга қozoқларни қабул қилмаслик, ёғ заводи ва бошқаларда улуғ давлат шовинизми каби чиқишлар учрамоқда». (6).

Шунингдек, Исроил Ортиқов колхозлардаги яшаш аҳволларининг ҳолати ночор эканлигини ҳам айтиб ўтганди: « Маданий турар жойлар учун курашиш лозим. Мен яқинда қишлоқдаги бир уй билан танишдим. Мана шундай бир том тагида бўлган қоронғу зах уйларда бир хонада хотинлар яшайди, иккинчи хонада эркаклар яшашади. Булар билан бир қаторда отхона жойлашган. Ушбулар ёнида от, туя, ҳўкиз, эшаклар боғланган. Ахлат чуқури ҳам шу ерда». Бундан ташқари комсомоллар саркотиби ўша конференцияда жамиятда яна кўплаб ноҳақликлар бўлаётганини минбардан туриб гапирганди: « Мана сизларга Янги Урганч ахлоқ тузатиш уйида бўлиб ўтган бир факт. Бу ерда 15 яшар вақтида 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган бир бола ўтирибди. Бу бола ҳозиргача икки йил қамалиб ётиб, ёши 17 га келган. Унинг гуноҳи бир қадоқ чой сотишдир. Иккинчи факт. 16 яшар бир бола отни ўғирлаб кетаётган одамни кўрган, бироқ ушбу ўғрини ушлаш қўлидан келмаган. Лекин бу бола ўғрини кўрганини сўзлагани учун ушлаб қамаб қўйганлар. Учинчи факт. Ақлидан адашган, жинни бўлиб қолган бир ўзбек хотин бир отни миниб бир қанча жойларни айланиб юргани учун уни ушлаб қамаб қўйиб, суд қила бошлаганлар. Дўхтир бу хотиннинг жинни бўлгани, уни суд қилишга қонун йўл қўймаслиги ва уни тезлик билан озод қилиш зарурлигини кўрсатиб справка берсада, прокурор уни қабул қилмаган. Сизларга яна бир мисол: бир камбағал заём учун 10 сўм қарздор бўлган, унинг камбағаллигини назоратга олиб, бу қарзни тўлашни бир кунга кечиктиришган. Шундай бўлса ҳам бу камбағални шу иш учун аксилинқилобчиликда айблаб суд қилганлар». (7).

Хуллас, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида советларнинг қатағон сиёсатини ўтказиши аҳолининг қаршилиқ қилишига сабаб бўлган. Натижада, коллективлаштиришдек сиёсатига қарши, ўз ери, мулкини тобширишни истамаган нафақат мулкдор бойлар, шунингдек бундай сиёсатнинг нотўғрилигини англаган бошқа тоифадаги кишилар ҳам турли ғалаён чиқишларда иштирок этиб, совет ҳукуматига нисбатан норозилигини ифода этганлар.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р.Шамсутдинов “Қишлоқ фожиаси” монографияси, “Шарқ” нашриёти, Тошкент-2003 йил, 154-бет.
2. Р.Шамсутдинов “Қишлоқ фожиаси” монографияси, “Шарқ” нашриёти, Тошкент-2003 йил, 154-бет.
3. Р.Шамсутдинов, “Қишлоқ фожиаси” монографияси, “Шарқ” нашриёти, Тошкент-2003 йил, 155-бет.
4. У.Бекмуҳаммад, “Хоразм қишлоқлари: 1920-1940 йиллар”, “Хоразм” нашриёти, 2011 йил, 65 бет.
5. У.Бекмуҳаммад, “Хоразм қишлоқлари: 1920-1940 йиллар”, “Хоразм” нашриёти, 2011 йил, 78 бет.
6. И.Ортиқов “Комсомолнинг галдаги вазифалари”, “Ўздавнашр”, Тошкент- 1933 йил, 25-бет.
7. И.Ортиқов, “Комсомолнинг галдаги вазифалари”.

